



« I » феврал 20 17 й.

Наманган шаҳри 47 -сонли

Вилоят ҳокимининг Интернет тармоғида электрон қабулхонаси ташкил этилганлиги муносабати билан унга келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси қисқа даврдаги фаолияти давомида аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш имконини берувчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, барча даражадаги ҳокимликлар билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.

Бош вазир виртуал қабулхонаси эндиликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига айлантирилгани, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мурожаатлар билан боғлиқ фаолиятларини тубдан қайта кўриб чиқишни, шунингдек ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларни кенг жорий этишни тақазо қилмоқда.

Вилоятимиз аҳолиси ва тадбиркорларининг муаммоларини ечими юзасидан вилоят ҳокими номига мурожаат этиш имкониятларини кенгайтириш ва уларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, 2017 йил 1 январдан бошлаб вилоят ҳокимининг интернет тармоғида Электрон қабулхонаси ташкил этилди.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда), “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6-, 25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сонли Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 5-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги 73-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик

шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги низом ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Наманган вилояти ҳокимининг Интернет тармоғида электрон қабулхонаси ташкил этилганлиги муносабати жисмоний ва юридик шахслар вилоят ҳокимининг электрон қабулхонасига мурожаатларни (ариза, шикоят ёки таклиф) hokim.namangan.uz портали орқали электрон тарзда юбориш орқали мурожаат этишлари мумкин.

2. Вилоят ҳокимининг виртуал қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқувчи доимий Ишчи гуруҳининг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (О.Асқаров)га:

вилоят ҳокимининг виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, жойларга ижрога юборилишини назоратга олиб, бажарилишини ташкил этиш;

вилоят ҳокимининг виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатларни ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаб, кунлик ахборот киритиб бориш;

вилоят ҳокимининг электрон қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар билан ишлаш ва тизимдан фойдаланиш 2-иловага мувофиқ белгиланган тартибда амалга ошириш;

тегишли идоралар томонидан виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатлардаги важларни тўлақонли кўриб чиқилиши, муаллифга муддатида ва асослантирилган жавоб хатлари берилишини доимий ўрганиб бориш;

сифатсиз ўрганилган мурожаатларни қайтадан ўрганилишини ташкил этиш, бундай камчиликка йўл қўйган тегишли идора раҳбар ва масъул ходимларини жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш;

мурожаатларнинг кўриб чиқиш ва ҳал этилиши бўйича маълумотларни умумлаштириб, таҳлил қилинган ҳолда вилоят ҳокими ва унинг биринчи ўринбосарига кунлик ҳисобот тақдим этиб бориш;

Вилоят ҳокимининг виртуал қабулхонасига тушаётган мурожаатларни соҳалар, ҳудудлар, идоралар бўйича келиб тушиши, шунингдек уларни тегишли идоралар томонидан кўриб чиқиш аҳволини танқидий таҳлил қилиб, ўтказилаётган ҳокимлик соатида муҳокама қилиш учун тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Барча вилоят бошқарма, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ўз тизимларида вилоят ҳокимининг электрон қабулхонасига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини 3-иловадаги шакл асосида алоҳида электрон ҳисобини юритилишини таъминласин.

4. Вилоят бошқарма, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ўзларининг жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатларида Ишчи гуруҳ таркибига кирган ходимларнинг ойлик иш ҳақларига қўшимча устама ҳақ белгиланишини ва тўланишини назарда тутсинлар.

5. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлашда вилоятда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг натижадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Вилоят ҳокимлигининг юридик хизмати бошлиғи (Дадаханов), Девонхона бўлими (Асқаров)лар доимий равишда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ҳудудлар кесимида чуқур таҳлил этиш ва камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан интизомий чораларни белгилаш;

вилоят ҳокимлиги раҳбариятига ҳолисона баҳолаш мезонларидан келиб чиқиб, ҳар ой якуни бўйича шаҳар ва туман ҳокимликларида, шунингдек бошқарма ва ташкилотларда мурожаатларни ижобий ҳал этилишида ўзининг фаоллиги ва масалани ечимини топишда яқиндан ёрдам кўрсатган масъул ижрочи ходимларни (раҳбарларни) рағбатлантириш юзасидан таклиф киритиш вазифалари юклатилсин.

7. Вилоят ҳокимлигининг Ишлар бошқармаси (Жалилов), вилоят Молия бошқармаси (Юсупов) уч кун муддатда электрон қабулхона самарали фаолият юритиш учун зарур хона ва жиҳозлар (компьютер, интернет тармоғи, нусха кўчириш, факс, телефон, стол, стуллар) билан таъминлаш вазифаси юклатилсин.

8. Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти вилоят кенгаши (А.Алаходжаев)га вилоят ҳокимининг виртуал қабулхонасига мурожаат этган жисмоний ва юридик шахслар билан учрашиш ва уларнинг муаммоларини жойида кўриб чиқиш зарурати туғилганда, Ишчи гуруҳ аъзоларини транспорт воситаси билан таъминлаш тавсия этилсин.

9. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, мурожаатлар билан ишлаш масалаларига янгича муносабат билан ёндошиш, такрорий мурожаатлар юзасидан алоҳида ўрганишлар ташкил этиш, белгиланган жадвал асосида жисмоний ва юридик шахслар вакиллари қбул қилишни амалда бажариш, келиб тушган мурожаатларни қонуний муддатларда кўриб чиқиш, инсон омилига эътиборни кучайтиришга шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

10. Шаҳар ва туманлар ҳокимларига:

уч кунлик муддатда мурожаатлар билан ишлашни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари даражасида ташкил этиш юзасидан чоратадбирлар режасини ва жойларда сайёр қабулларни ташкил этиш жадвалларини ишлаб чиқиш, ўтказилишини таъминлаш;

электрон қабулхонага тушган мурожаатларни ўрганилишини таъминлаш юзасидан ишчи гуруҳлар ташкил этиб, ишни тўғри ташкил этиш;

вилоят ҳокимининг электрон қабулхонасига келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва уларда қўйилган муаммоларни тезкор ҳал этиш юзасидан шахсий назоратни кучайтириш вазифалари топширилсин.

11. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги компьютерлаштириш маркази (Ахунбабаев) шаҳар, туман ҳокимликлари билан биргаликда, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қбул қилиш жадваллари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан рўйхатга олиш тўғрисидаги ахборотларни ҳокимликнинг расмий веб-сайтларда эълон қилишни мунтазам таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Вилоят оммавий ахборот воситалари раҳбарларига, ҳар ҳафта якуни билан вилоят ҳокимининг виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал этилиши бўйича вилоят ҳокимлиги, вилоят бошқарма ва ташкилотлар, шаҳар ва туман ҳокимлари томонидан олиб борилаётган ишларни тизимли ёритиб бориш тавсия этилсин.

13. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

14. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Х. Бозаров

Вилоят ҳокимининг виртуал қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқувчи доимий Ишчи гуруҳининг

ТАРКИБИ

Ишчи гуруҳ раҳбари		
1.	О.Асқаров	Вилоят ҳокимлигининг Девонхона мудир
Ишчи гуруҳ аъзолари		
2.	Э.Мирзакамалов	Вилоят ҳокимлигининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси етакчи мутахассиси
3.	Ж.Мирзахмедов	Вилоят ҳокимлигининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси бош мутахассиси
4.	Н.Ҳамидов	Вилоят адлия бошқармаси масъул ходими
5.	Қ.Исақов	Вилоят суд ижро департаменти масъул ходими
6.	Ж.Султанов	Вилоят Молия бошқармаси масъул ходими
7.	Г.Жалилова	Вилоят Пенсия жамғармаси масъул ходими
8.	У.Мирзабаев	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси масъул ходими
9.	У.Абдурахмонов	Вилоят меҳнат бош бошқармаси масъул ходими
10.	У.Воҳидов	Вилоят халқ таълими бошқармаси масъул ходими
11.	Т.Годжалилов	Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси масъул ходими
12.	Ж.Матбаев	Вилоят давлат солиқ бошқармаси масъул ходими
13.	А.Охунджанов	Вилоят рақобат бошқармаси масъул ходими
14.	Т.Икромов	Вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси масъул ходими
15.	С.Ҳожиев	Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси масъул ходими
16.	Ж.Холбоев	Вилоят марказий банк бош бошқармаси масъул ходими
17.	Б. Раҳимбердиев	Вилоят касаба уюшмалари федерация кенгаши масъул ходими
18.	Б.Абдулҳапизов	Вилоят савдо-саноат палатаси масъул ходими
19.	М.Обидов	«Водийгазтаъминот» УК вилоят бошқармаси масъул ходими
20.	И.Рахимов	Вилоят «Сувоқава» давлат корхонаси масъул ходими
21.	С. Жўраев	Вилоят Электр тармоқлари корхонаси масъул ходими
22.	М.Дедабаев	Вилоят маҳалла ҳайрия жамоат фонди масъул ходими
23.	О.Жўраев	Вилоят ҳокимлигининг уй-жой, коммунал департаменти ДУК масъул ходими

**Вилоят ҳокимининг электрон қабулхонасига жисмоний ва юрндик
шахслардан келиб тушаётган муурожаатлар билан ишлаш ва тизимдан
фойдаланиш бўйича
ТАРТИБ**

Мазкур Тартиб вилоят ҳокимининг электрон қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган муурожаатлар билан самарали ишлашни ҳамда муурожаатларни тезкорлик билан кўриб чиқилишини ва ҳал этилиши тартибини белгилайди.

I. Муурожаатлар билан ишлаш тартиби

1. Вилоят ҳокимлиги ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларида вилоят ҳокимининг электрон қабулхонаси тизимидан фойдаланиш учун масъул ходимлар интернетга уланган компьютер техникаси ёрдамида фойдаланади.

2. Янги келиб тушган муурожаатларни тартиб рақамини белгиланиб, муурожаатнинг кимдан келганлиги, худудийлиги, муддати ва қисқача мазмуни билан танишиб чиқилади.

3. Муурожаат билан танишиб чиқилгандан сўнг, “муурожаатни юклаб олиш” (“муурожаат иловасини юклаб олиш”) белгиси босилиб, муурожаатни юклаб олинади ва принтерда чоп этилади.

Шундан сўнг “қабул қилиш” белгиси босилиб, “танланг” белгилари кўйилиб, изоҳ учун “Ижро учун қабул қилинди” сўзи ёзилиб, “сақлаш” белгиси босилади.

4. Вилоят ҳокимлигида ишчи гуруҳи томонидан ушбу юборилган муурожаат кўриб чиқилади.

5. Чоп этилган муурожаатга назорат варақаси очилиб, имзолаш учун вилоят ҳокимига киритилади (зарур ҳолларда муурожаат матни бир нусхаси ижрочига тезкорлик билан ҳал этишлик учун берилади).

6. Муурожаатнинг кўрсатмасида вилоят ҳокимлиги томонидан кўйилган муддатга қатъий риоя қилинади.

7. Вилоят ҳокимлигида намунадаги “Excel” электрон базасида ва алоҳида рўйхатга олиш китобида ҳар бир муурожаатнинг қатъий ҳисоби

юритилади. Шунингдек, мурожаатларнинг соҳалар бўйича махсус формулага солинган кунлик ҳисоботи тайёрланиб, вилоят ҳокимига тақдим этиб борилади.

8. Вилоят ҳокимлигида барча мурожаатлар қабул қилинади ва ижрога қаратилади.

II. Мурожаатларни ижросини таъминлаш

9. Ҳар бир мурожаат ариза муаллифи иштирокида тегишли малакали мутахассислар (ишчи гуруҳи)ни жалб қилган ҳолда тезкорлик билан албатта кўриб чиқилиши ва натижалари тўғрисида мурожаат муаллифига ёзма равишда маълум қилиниши шарт.

10. Ижрочи (ишчи гуруҳи) томонидан мурожаатни жойида ўрганиш жараёнида ариза муаллифидан тушунтириш хати олинмаслиги, ариза муаллифига бериладиган жавоб хати остига ихтиёрий равишда “жавоб хатини олдим”, “қоникдим” ёки “тушунтирилди” сўзлари ёздирилиши (почта орқали юборилган бўлса, квитанция нусхаси), миннатдорчилик хатлари илова қилиниши мумкин.

11. Ариза муаллифига бериладиган жавоб хати вилоят ҳокимлигида вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимликларида фақат ҳокимлар, вилоят бошқарма ва ташкилотларда фақат биринчи раҳбарлар томонидан имзоланиши шарт. Бошқа ташкилот ёки бошқарма ўринбосарлари, бевосита ижрочи мутахассислардан жавоб хати имзоланишига йўл қўйилмайди.

12. Мурожаатни ўрганиш якуни бўйича ариза муаллифига жавоб хати нусхасини тегишлилиги бўйича вилоят ҳокимлигининг раҳбарияти, шунингдек шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан белгиланган тартибда юборадилар.

III. Мурожаатларнинг натижасини киритиш тартиби

13. Ҳар бир мурожаат бўйича ариза муаллифига берилган жавоб хати ва унга илова қилинган миннатдорчилик хатлари (ташаккурнома), далолатнома Сканер аппарати ёрдамида “PDF” шаклида 1 та файлда мурожаат муаллифи исмини бош ҳарфи ва фамилияси билан сақланади.

Жавоб хатини алоҳида, миннатдорчилик хатини алоҳида, далолатномани алоҳида қилиб сақланмайди. “JPG”, “WORD” ёки бошқа форматда файлларни бириктириш таъқиқланади.

14. Натижаларни юборишда вилоят ҳокимлиги томонидан кўйилган тартиб рақами ва у ердан қачон юборилган сана, ариза муаллифига берилган жавоб хатини имзолаган шахснинг лавозими ва фамилияси, исми ва шарифи, ижро учун масъул ходимнинг лавозими ва фамилияси, исми ва шарифи киритилади.

15. Вилоят ишчи гуруҳи ушбу мурожаат бўйича жавоб хатини ўрганиб чиқиб, қабул қилса мурожаат ечилган ҳисобланади, агар рад этилган бўлса, рад этишнинг сабабларини ишчи гуруҳи ўз кўрсатмасида ёзиб кўяди. Шу кўрсатма асосида қайтадан мурожаат ўрганилади.

16. Агарда мурожаат ўрганиш якуни бўйича аноним бўлиб чиқадиган бўлса, кўрмасдан қолдирилади. Шунингдек, аноним деб топиш асослари далолатномада акс эттирилиб, вилоят Ишчи гуруҳига тақдим этилади.

17. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида мурожаатлар билан ишлашда ҳар бир масъул ходим ижро ва меҳнат интизоми қоидаларига қатъий риоя этишлари шарт.

18. Мурожаатларни юзаки кўриб чиққан, сифатсиз ўрганган, жавоб хати матнини умумий мазмундаги “намуна” қилиб олган, муддати бузилган ҳолда ҳал этган, белгиланган муддатга риоя қилмаган, шунингдек, сифатсиз ўрганилгани учун рад этилган мурожаатларни кўриб чиққан ижрочилар (раҳбарлар) қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

**“Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг
муурожаатларини кўриб чиқиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони
ижросини таъминлашда вилоятда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашнинг
натижадорлигини оширишга қаратилган
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Тадбирлар мазмуни	Тадбирлар муддати	Тадбирларни бажаришга масъуллар
Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш борасида раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича			
1.	Маҳаллий давлат ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқарма ҳамда муассасалар томонидан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси юзасидан кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш.	Доимий	Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, бошқарма ва муассасаларда
2.	Жисмоний ва юридик шахсларни белгиланган тартибда шахсан қабул қилиш ва ҳар бир муурожаатни, ўз вақтида қонун талабларига қатъий амал қилган ҳолда кўриб чиқишини таъминлаш мақсадида шахсий ва сайёр қабулларни ўтказиш жадвалларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.	5 кун муддатда	Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, бошқарма ва муассасаларда
3.	“Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари	Доимий	Халқ депутатлари вилоят,

	тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини вилоят ва туман Кенгашлари сессияларда мунтазам муҳокама қилиб бориш.		шаҳар ва туман Кенгашилари
4.	“Жисмоний ва юридик шахсларни муροжаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида иш юритишни тўғри ташкил этиш, муροжаатларни рўйхатдан ўтказиш, уларни ўз вақтида ижрочиларга етказиш ва ижросини таъминлаш ҳамда натижаси ҳақида муаллифга маълум қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатиш.	Доимий	Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, бошқарма ва муассасаларда
5.	Муροжаатлар сонини асоссиз кўпайишига йўл қўймаслик, жисмоний ва юридик шахсларни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги муаммоларини мунтазам ўрганиб бориш ва уларни ўз вақтида бартараф этилишини таъминлаш, улар томонидан кўтарилган масалалар ечимига қаратилган зарурий чоралар белгилаб бориш.	Доимий	Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Вилоят Ишчи гуруҳи
6.	Жисмоний ва юридик шахсларни юқори давлат органларига қилаётган муροжаатларини кўпайиш сабабларини ўрганиб чиқиб, агрофлича таҳлил қилиш, унинг олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар белгилаб бориш.	Доимий	Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, давлат органлари ва муассасаларда
7.	“Жисмоний ва юридик шахсларни муροжаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш бўйича шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, давлат органлари ҳамда муассасаларда мақсадли ўрганишларни мунтазам ташкил этиб бориш, айбдор шахсларга нисбатан қонунчиликда белгиланган жазо чораларини кўриш.	Режага мувофиқ	Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар
8.	Маҳаллий давлат ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тасдиқланган жадвал асосида жойларда ўтказилаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг сайёр қабулларини маҳаллий телевидение ва матбуот воситаларида	Белгиланган жадвалга мувофиқ	Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар матбуот хизмаглари,

	кенг ёритиб бориш, ҳар чорак якуни билан амалга оширилган ишлари юзасидан вилоят ҳокимлигига ахборот бериб бориш.		вилоят телерадиокомпанияси, мабуот ва ахборот бошқармаси (З. Мансуров), “Наманган ҳақиқати”, “Наманганская правда” газеталари муҳаррирлари
9.	Аҳолининг ички ишлар органлари ходимларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда кенг жамоатчиликни хабардор этиб бориш.	Мунтазам	Вилоят ИИБ, вилоят телерадиокомпанияси
10.	Вилоят телевидениесида аҳоли ўргасида учраётган долзарб муаммоларни ечимини топиш ва кенг қамровли тушунтириш ишлари ташкил этиш бўйича ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари иштирокида очиқ телемулоқотлар ташкил этиш.	Режа асосида	Вилоят телерадиокомпанияси, тегишли ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари
11.	Ҳар бир идора, ҳокимликлар расмий веб-сайтида унинг раҳбарининг мурожаатларни қабул қилиш тизимини жорий қилиш.	1 ҳафта муддатда	Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, бошқарма ва муассасалар раҳбарлари, Алоқа ва ахборотлаштириш худудий бошқармаси (Ю.Ишанов), Вилоят компьютерлаштириш маркази ДУК (Б. Ахунбабаев)
12.	Жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш жадвали, уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдидан ёзилиш ва ўтказиш тартибини вилоят ҳокимлигининг расмий веб-	5 кун муддатда	Вилоят компьютерлаштириш маркази ДУК (Б.Ахунбабаев)

	сайдига жойлаштириш.		
Вилоят ҳокимининг электрон қабулхонасига тушган мурожаатлар билан ишлаш борасида			
1.	Вилоят ҳокимининг электрон қабулхонасига тушган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, жойларга ижрога юборилишини ва назоратга олиб, бажарилишини ташкил этиш ишларига масъуллар белгилаш.	1 кун муддатда	Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Б.Бобохонов
2.	Вилоят ҳокимининг электрон қабулхонасидан келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва ўз вақтида кўриб чиқишини таъминлаш ва назоратини тизимли ташкил этиш.	Доимий	Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вилоят Ишчи гуруҳи
3.	Вилоят ҳокимининг электрон қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар устидан назоратни кескин кучайтириш, такрорий мурожаатларни келиб тушишига йўл қўймаслик, бунда дастлабки мурожаатни кўриб чиқишда масалани ҳал қилмай масъулиятсизликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбаган таъсир чоралари кўриш.	Доимий	Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Б.Бобохонов, Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар
4.	Вилоят ҳокимининг электрон қабулхонасига келиб тушган мурожаатларни ҳал қилиш натижасида аниқланган қонун бузилиш ҳолатларига қатъий муносабат билдириш, муаллифнинг мурожаатидаги ҳар бир важи юзасидан тўлақонли ва асосланган жавоб хати тайёрлаш.	Доимий	Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, бошқарма ва муассасаларда
5.	Вилоят ҳокимининг электрон қабулхонасига келиб тушган мурожаатларни доимий таҳлил қилиб бориш орқали тизимли равишда йўл қўйилаётган қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таклифлар бериб бориш.	Доимий	Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вилоят Ишчи гуруҳи